МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШНИНГ САМАРАЛИ ЙЎЛЛАРИ

Тармиза Латиповна Хурвалиева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти доценти, п.ф.н.

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш мазмуни, шакл ва усуллари ёритилган. Болаларни атроф олам билан таништиришнинг ривожлантирувчи педагогик тизими келтирилган.

Калит сўзлар: шахс, мулоқот,сезги,кўргазмали-образли тафаккур, фаолият,қонуният, англаш, компетенция, педагогик тизим, прогностик-диагностик метод.

EFFECTIVE WAYS OF EXPERIENCE WITH THE WORLD OF PRESCHOOL CHILDREN

Tarmiza Latipovna Khurvaliyeva
Associate Professor, Candidate of Pedagogical Sciences
Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article discloses the content, forms and methods of familiarizing preschool children with the world around them. The developing pedagogical system of acquaintance with the surrounding world is presented.

Keywords: personality, communication, intuition, visual-figurative thinking, activity, regularity, understanding, competence, pedagogical system, prognostic-diagnostic method.

КИРИШ

Шахс камолотида мактабгача давр муҳим ҳисобланади. Бу даврда тенгдошлари билан мулоқоти мураккаб ўзаро муносабатларни пайдо қилади, унинг шахси ривожланишига таъсир кўрсатади. Ҳар қандай оила ўз фарзандига болалик давридан ўзининг тасаввуридаги қолипга солишга интилган ҳолда таъсир этади. Бунда катталар томонидан маънавий таъсир этишнинг турли усул

ва шакллари танланади. Демак, катталар томонидан танланган йўл бола келажагини белгилаб беради. Шунинг учун тадқиқот доирасида оилалар билан ишлашнинг турли йўналишлари таълимий тадқиқотнинг мазмунида алоҳида ўрин эгаллади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мактабгача ёшда болаларнинг олами ўзгача бўлиб, бошқа болалар олами билан боғлиқ бўлади. Боланинг ёши катта бўлган сари тенгдошлари билан кўпроқ мулоқотда бўлади. Мактабгача болалик даври мустақил бўлишни, боланинг ўз қизиқиш ва эҳтиёжларини қондиришни назарда тутади. Мактабгача болалик жамоавий сифатларни шаклланишидаги сензитив давр ҳисобланади, шунингдек, бошқа одамларга нисбатан инсоний муносабатларни уйғотади. Агарда бу сифатларнинг асоси мактабгача ёшда шаклланмаса, бола шахси ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бунинг оқибатида бола ривожланишида тўсиқлар рўй беради. Бу ёшда билиш фаоллиги ортиб боради: идрок, кўргазмали тафаккур ривожланади, матниқий тафаккур куртаклари пайдо бўлади. Билиш имкониятларининг ўсиши хотира, ихтиёрий диққат ҳосил бўлишига олиб келади. Мактабгача болалик даврида болада атроф-олам ҳақидаги илк тасаввурлар пайдо бўлади, атрофдаги воқелик ва ҳодисаларнинг оддий ўзаро алоқадорлиги қонуниятларини англаш кўникмаси шаклланади. Шунингдек, олган билимларини мустақил равишда амалий фаолиятида қўллай оладилар. Боланинг атроф оламнинг англашида нутқни ҳам ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Турли фаолият турлари ва мулоқотнинг ривожланиши ҳам ўсади. Мактабгача ёшдаги болалар сўзлар орқали берилган ҳаракатларни бажарадилар, тушунтириш асосида билимларни ўзлаштирадилар (фақатгина аниқ ва тушунарли кўргазмали намойишга таянилади). Мазкур ёшда асосан англаш, ҳиссий билиш, идрок ва образли-тафаккур орқали пайдо бўлади. Мактабгача ёшдаги болада идрок, кўргазмали ҳаракатли ва кўргазмали образли тафаккур шаклланади, унинг билиш имкониятларига қараб, фаолиятнинг келгусидаги ривожланиши, нутқи кўпроқ юқори босқичга чиқади мантиқий тафаккур шакллари ҳосил бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш, буюм ва нарсалар, жонли ва жонсиз табиат ҳодисалари ҳақидаги аниқ билимлар беришни кўзлайди. Уларни ўзлаштириш жараёнида билиш қобилияти шаклланади, табиатга ва атроф оламга тўғри муносабатда бўлиш тарбияланади. Ҳар бир ёш гуруҳида атроф олам билан таништириш вазифалари амалга оширилади. Болалар аста-секин табиатшунослик ва атроф олам ҳақидаги билимларни

ўзлаштирадилар. 2-3 ёшдаги болалар ўсимликлар, ҳайвонлар, жонсиз табиат ҳодисалари билан танишадилар. Улар фазо ва макондаги жойлашувни ўрганадилар, ўсимликларнинг айрим белгилари (ранги, баргларининг шакли, тури), ҳайвонларнинг ҳаракати ва овози, инсонлар ҳаёт тарзини умумлаштириб (балиқ сувда сузади, ошпаз овқат пиширади, шофёр машина хайдайди в.ҳк.) хулоса чиқаради. Болаларда сезги аъзоларининг фаолияти такомиллашади (кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва бошқ), диққат ривожланади ва кузатилаётган объектга қизиқиш уйғонади, уларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳисси тарбияланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Беш ёшдаги болаларда табиат ва жамиятдаги ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлади, чунки бола ҳаётида улар билан доимо тўқнашади, улар ҳақида умумий хулосалар чиқаради. Машғулотларда предметли-ҳиссий фаолият жараёнида атроф оламни англайдилар ва ўйинларда яққол тасаввур қиладилар. Болалар кузатиш орқали ўсимликлар, ҳайвонларнинг алоҳида белгиларини ажратадилар, аниқлайдилар, сенсор кўрсаткичлардан фойдаланадилар (ранги, шакли, катталиги), объектларнинг ташқи кўринишига қараб таққослайдилар ва гуруҳларга ажратадилар. Билимларни ўзлаштириш жараёнида болаларда билиш фаолиятининг юқори шакллари ривожланади. 5-7 ёшда боланинг кўргазмали-образли англаш даражаси ривожланса тўрт ёшда сабабий-оқибат натижаларига оид хулоса чиқарадилар. Уларда кўргазмали-образли тафаккурнинг олий шакли юз беради. Улар умумий билимларни ўзлаштирадилар, табиат ва атроф оламда рўй берадиган воқеа ва ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар пайдо бўлади. Болалар воқеа ва ҳодислар, предмет ва буюмлар, ўсимликлар, ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятларини борлиқ, тириклик билан боғлиқлигини билиб оладилар.

Мактабгача ёшдаги болаларда янги фаолият турлари пайдо бўлади, масалан, ўйин асосий ва дастлабки фаолият тури ҳисобланади, тасвирий фаолият илк ижодий меҳнат фаолияти маҳсули ҳисобланади. Меҳнат фаолиятига доир элементар ҳаракатлар шаклланади. Мактабгача ёшда болалар ахлоқий тасаввурлар ва жамиятдаги хулқ-атвор шаклларини ўзлаштиришга жалб этиладилар. Мактабгача таълим ташкилотининг таълим-тарбия жараёнида боланинг ҳар томонлама, яъни жисмоний, ақлий, ахлоқий, меҳнат ва эстетик жиҳатдан ривожланиши амалга оширилади. Бола фаолиятининг мазмунини билим ва кўникмалар ташкил этади. Мазкур билим, кўникма, малака ва компетенциялар атроф олам билан таништириш натижасида шаллантирилади.

Тадқиқотимизда мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришнинг мавжуд ривожлантирувчи педагогик тизими прогностик-диагностик методларга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилди.



2.2.1-расм. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништиришнинг ривожлантирувчи педагогик тизими

Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан танишиштиришда машғулотлараро боғликлик ҳам амалга оширилади. Болалар ўқув фаолияти мақсади ва вазифаларини ўзлаштириш натижасида амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қиладилар. Ижодий ва изланувчанлик муаммоларини ечиш усулларини ўзлаштирадилар. Болаларда режалаштириш, назорат ва ўқув ҳаракатларини баҳолаш кўникмаси пайдо бўлади. Тарбиячилар қўйилган вазифалар ва шароитларни ўқув фаолиятига мос келишини таъминлашлари ҳамда натижага эришишнинг самарали йўлларини аниқлашлари талаб этилади. Машғулотларда белги ва символлардан фойдаланиш, ўрганилаётган жараён ва объектларнинг моделини яратишда самара беради, шунингдек, ўқув ва амалий вазифаларни ечишнинг турли йўллари аниқланади. Нутқ воситалари ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ҳам атроф олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўқув машғулоти мақсади ва вазифасига мос келувчи турли жанрдаги матнлар мазмунини ўзлаштириш ҳикоя қилиш кўникмасини шакллантиради. Масалан: "Менинг Ватаним", "Менинг оилам", "Менинг гузарим", "Менинг маҳаллам"

каби мавзуларда болалар расмлар орқали ҳикоялар тузишлари мумкин. Айниқса мантиқий фикрлаш, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, белгиларига кўра турларга ажратиш, ўхшашлиги ва сабабий боғликлар, фикрлаш кетма-кетлиги, таниш тушунчаларни саралаш каби жараёнлар амалга ошади.

ХУЛОСА

Атроф олам билан таништиришнинг мазмунини таҳлил қилишда Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари, “Илк қадам” давлат ўқув дастурида белгиланган вазифаларга таянилди. Таълим жараёнида ўқув-тарбиявий фаолият шакллари, режалаштириш ва фойдаланиладиган ресурслар тўғри танланиши лозим. Тарбиячи методик, инновацион ва методист сифатида фаолиятини ташкил этади. Шунингдек, оила, мактаб, ташкилотлар, маҳалла билан ҳамкорликни ташкил қилиш назарда тутилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. Мактабгача таълим вазирлиги МҲ-1-сон буйруғи. Т.: 2018. 18 июнь.-31б.
2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган. (Муаллифлар: Грошева И.В,.Евстафьева Л.Г,.Махмудова Д.Т,.Набиханова Ш.Б,.Пак С.В, Джанпеисова Г.Э) . -Т.: 2018.- 59 б.
3. Дыбина О.В. Ребёнок и окружающий мир. Программа и методические рекомендации. Для занятие с детьми 2-7 лет. Изд.Мозаика-синтез., 2017-123 с.
4. Козина Е.Ф. Методика ознакомления с окружающим миром в предшкольном возрасте. Изд..Прометей-2011-690 с.
5. Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш жараёнини ташкил этиш мазмуни. Журнал. Ta’lim, fan va innovatsiya. Тошкент. 2019 йил №4-сон.
6. Хурвалиева Т.Л. Technology For The Formation Of Environmental Concepts In Senior Preschoolers By Computer. International journal of scientific & technology research volume. INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC & TECHNOLOGY RESEARCH VOLUME 9, ISSUE 02, FEBRUARY 2020 P 3772-3775.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари. Мактабгача таълим вазирлиги МҲ-1-сон буйруғи. Т.: 2018. 18 июнь.-31б.
2. “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг давлат ўқув дастури. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган. (Муаллифлар: Грошева И.В,.Евстафьева Л.Г,.Махмудова Д.Т,.Набиханова Ш.Б,.Пак С.В, Джанпеисова Г.Э) . -Т.: 2018.- 59 б.
3. Дыбина О.В. Ребёнок и окружающий мир. Программа и методические рекомендации. Для занятие с детьми 2-7 лет. Изд.Мозаика-синтез., 2017-123 с.
4. Козина Е.Ф. Методика ознакомления с окружающим миром в предшкольном возрасте. Изд..Прометей-2011-690 с.
5. Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш жараёнини ташкил этиш мазмуни. Журнал. Ta’lim, fan va innovatsiya. Тошкент. 2019 йил №4-сон.
6. Хурвалиева Т.Л. Technology For The Formation Of Environmental Concepts In Senior Preschoolers By Computer. International journal of scientific & technology research volume. INTERNATIONAL JOURNAL OF SCIENTIFIC & TECHNOLOGY RESEARCH VOLUME 9, ISSUE 02, FEBRUARY 2020 P 3772-3775.